

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2024 йил январь ойининг 5 куни, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг биносида, видеоконференцалоқа режимда, апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлисида, вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси Ф.Қамбарованинг раислигида, ҳайъат судьялари: М.Очилова ва Ш.Бахтиёровдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси М.Чориевнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси-Қашқадарё вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори С.Назаров, судланувчи А.Т ва унинг ҳимоячиси-адвокат Х.Мирзараҳимовнинг иштирокида, суд ҳукми устидан адвокат Х.Мирзараҳимов берган шикоят жиноят иши ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқилиб, қуйидагилар

а н и қ л а н д и :

Жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг 2023 йил 14 ноябрдаги ҳукмига асосан:

[REDACTED], 1998 йил 21 мартда Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, маълумоти олий, ишламаган, судланмаган, Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, “Янги Миришкор” МФЙ, Турон кўчаси 3-уйда яшаган, ушбу иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залида қамоққа олинган.

Суднинг ҳукмига асосан А.Т, диний мазмундаги медиа материалларни, хусусан террористик ва экстремистик ташкилотларининг ғоявий тарғиботчилари томонидан тайёрланган ўзбек ва араб тилидаги даъватлари акс этган аудио ва видеоларни эшитиб, томоша қилиб келиши оқибатида дунёқараши ўзгариб, уларнинг маърузаларидаги ғояларни тўғри деб ҳисоблаб, “Telegram” мессенжерда [REDACTED] телефон рақамига очган “Arslan” номли akkaунти орқали 2021 йил 6 май куни таниши М.Мухаммадиевнинг телеграмм ижтимоий тармоғида [REDACTED] телефон рақамига очилган “Mirzohidovich” номли akkaунтига “Nurullah Cry Nashid” номли террористик ва экстремистик ташкилотларининг ғоявий тарғиботчилари томонидан тайёрланган, ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, *тўғон ортида занжирбанд биродари озод экани, Аллоҳнинг паноҳ сўраганга бандаларнинг фитнаси таъсир қилмаслиги, зулмат кўшини мағлуб бўлиши, оламга янги нур сочиши, узоқдан нур сочилгани кўринаётгани, руҳнинг нур сочишига имкон бериш, золимлар тақводор мусулмонни қанчалик азоблаб, қамоққа ташламасинлар у агар барча ишларида Аллоҳга суянса озод бўлиши, золимларга қарши курашиш ва уларни йўқ қилиш, бу йўлда қуролни қўлдан*



қўймай ҳаракат қилиш, ғалаба тонгидан хабар берувчи илк нусрат шуълаларининг кўринаётгани, бу йўлда қурашаётганларни фақат ғалаба ёки шаҳидлар қаторига қўшилиш бахти қутаётгани ҳақидаги Сайид Қутибнинг “Шаҳид бўлиб кетсак рози бўлинг”, “Красивий нашид, ахи анта хурр” номли маърузаси ёзилган аудиофайлни юбориб, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибида таҳдид соладиган, ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда тарқатган.

А.Т, жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, “Telegram” мессенжерида [REDACTED] телефон рақамига очган “Arslan” номли аккаунти орқали 2021 йил 6 май куни опаси М.Турсунованинг телеграмм ижтимоий тармоғида [REDACTED] телефон рақамига очилган “Mufarida” номли аккаунтига “Nurullah Cry Nashid” номли террористик ва экстремистик ташкилотларининг ғоявий тарғиботчилари томонидан тайёрланган, ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, тўғон ортида занжирбанд биродари озод экани, Аллоҳнинг паноҳ сўраганга бандаларнинг фитнаси таъсир қилмаслиги, зулмат қўшини мағлуб бўлиши, оламга янги нур сочиши, узоқдан нур сочилгани кўринаётгани, руҳнинг нур сочишига имкон бериш, золимлар тақводор мусулмонни қанчалик азоблаб, қамоққа ташламасинлар у агар барча ишларида Аллоҳга суянса озод бўлиши, золимларга қарши қурашиш ва уларни йўқ қилиш, бу йўлда қуролни қўлдан қўймай ҳаракат қилиш, ғалаба тонгидан хабар берувчи илк нусрат шуълаларининг кўринаётгани, бу йўлда қурашаётганларни фақат ғалаба ёки шаҳидлар қаторига қўшилиш бахти қутаётгани ҳақидаги Сайид Қутибнинг “Шаҳид бўлиб кетсак рози бўлинг”, “Красивий нашид, ахи анта хурр” номли маърузаси ёзилган аудиофайлни юбориб, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибида таҳдид соладиган, ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда тарқатган.

Адвокат Х.Мирзараҳимов шикоятда, эксперт томонидан қайси мезонларга кўра материаллар ақидапарастлик ғоялари билан йўғирилгани асослаб берилмагани, А.Тнинг ҳаракатларида мазкур жиноятнинг субъектив томони йўқлиги, мазкур жиноят объектига кўра, материалларда ақидапарастлик ғоялари билан бирга диний экстремизм ва сепаратизм ғоялари ҳам бўлиши лозимлиги, лекин хулосада бу ғоялар ҳам борлиги аниқланмагани, ушбу материаллар телефон орқали жўнатилган бўлиб, ушбу ҳолатни тарқатиш деб баҳолаб бўлмаслиги, А.Тнинг ҳаракатлари жиноят таркиби йўқлиги сабабли ҳукми бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди, иш бўйича судья Ш.Бахтиёровнинг маърузасини, судланувчи А.Т ва унинг ҳимоячиси-адвокат Х.Мирзараҳимовнинг шикоятни қаноатлантириш, прокурор С.Назаровинг ҳукми ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги музокара сўзларини тинглаб, шикоятда кўрсатилган важларни жиноят иши ҳужжатлари ва апелляция инстанцияси судида аниқланган ҳолатлар асосида текшириб, қуйидаги тўхтамга келди.

Судланувчи А.Т апелляция инстанцияси судида, шикоятни қувватлаши, бирор-бир диний оқимга аъзо эмаслиги, ҳеч кимни даъват



қилмагани, айблов хулосада кўрсатилган айблов нотўғри эканлиги, кўшиб ёзилгани, буни асослаб, далиллар келтириши мумкинлиги, тергов жараёнида фақат 1 донга 2021 йил 6 майда “Телеграм” мессенжеридан [REDACTED] телефон рақамига қайд қилинган “Arslan” номли akkaунти орқали диний материални тарқатганлиги аниқланганлиги, нашидаларни тарқатмагани, терговдаши кўрсатувларида иқдорлик билдирмагани, бу ишлардан ўзига тегишли хулоса чиқариб олгани, бундан кейин телефонига ҳар бир келаётган ва кетаётган маълумотларга эътиборли бўлиши, соғлиги, оилавий аҳволи, турмуш ўртоғи ҳомиладор эканлигини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи А.Тнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни қасдан содир қилганликдаги айби, 2023 йил 26 июлдаги телефон апаратигат ашёвий далил тариқасида олиш ва мавжуд интернет тармоғининг сайт, профил, akkaунт ҳамда саҳифаларини кўздан кечириш тўғрисидаги баённома, А.Т тарқатган Сайид Қутибнинг “Шаҳид бўлиб кетсак рози бўлинг”, “Красивий нашид, ахи анта хурр” номли нашида ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилганлиги ва уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш, тайёрлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш тақиқланиши ҳақидаги судга оид диншунослик экспертизасининг 29.07.2023 йилдаги хулосаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига кўшиш ҳақидаги қарор, жиноят ишини бир қисмини тугатиб, маъмурий чора кўриш учун юбориш ҳақидаги қарор, ижтимоий тармоқлардаги ўзаро ёзишмалар скриншоот фотосуратлар, сўроқ баённомалари ҳамда ишда мавжуд далиллар билан ўз тасдиғини топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисмининг “г” бандида, айнан оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 29 июлдаги хулосасида, тақдим қилинган дискдаги “Дўстларим/Mijji”, “Дўстларим/Орам”, “Дўстларим/Удалённий akkaунт” ва “Канналари/Sarrozzeia musik” папкасидаги маълумотлар ақидапаратсилик ғоялари билан йўғрилгани;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссиясининг 2023 йил 3 августдаги “Телеграм” мессенжеридан “Арслан” номли akkaунт фойдаланувчи ёзишмаларидан кўчириб олинган материаллар юзасидан берилган хулосасида, “Дўстларим/Mijji”, “Дўстларим/Орам”, “Дўстларим/Удалённий akkaунт” ва “Канналари” папкасидаги маълумотлар, яъни Сайид Қутб исмли тарихий шахснинг озодликдан маҳрум қилинган даврда ёзган “Биродар сен озодсан” номли шеър асосида араб тилида куйланган кўшиқ келтирилгани, унинг



мазмунида тун ортида занжирбанд биродари озод экани, Оллоҳдан паноҳ сўраганда бандаларнинг фитнаси таъсир қилмаслиги, зулмат қўшини мағлуб бўлиши, оламда янги нур сочилиши, узоқдан нур сочилиши кўринаётганлиги, руҳнинг нур сочилишига имкон бериш, золимлар тақводор мусулмонни қанчалик азоблаб, қамоққа ташламсинлар, у агар барча ишларда Оллоҳнинг курашдан тўхтаб, қўлларни туширмаслик, болтасини ўткирлаб, илонларнинг бошини янчиши, урушдан толиқмагани, қуролини қўмагани, агари ўлса, шаҳид бўлиши, шонли ғалаба сари юриши, бу йўл учун улар танлангани, улар орасида ўлганлар ҳам борлиги, уларнинг йўли қон билан белгилангани, осмондан бошқа жойга қарамаслик кераклиги, қон овозини эшитаётгани, дин йўлида қасос олиши, бу йўлда курашаётганларни фақат ғалаба ёки шаҳидлар қаторига қўшилиши бахти кутаётгани мазмунидаги ғоялар илгари сурилгани, бу маълумотлар ақидапаратсликни тарғиб қилувчи материаллар туркумига кириши, шу сабабли уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатишга йўл қўйилмаслиги;

-“Видео папкаси”даги номаълум шахс томонидан куйланган шаҳидликка чорловчи қўшиқларда, турли экстремистик ва террорчи гуруҳлар фаолиятига нисбатан ҳайрихоҳлик кайфиятини уйғотиши мумкинлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатишга йўл қўйилмаслиги, ушбу маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рухсат этилган диний материаллар туркумига кирмаслиги;

-“Телеграм” мессенжеридagi “Asadbek Tursunof” номли akkaунтдан кўчириб олинган материаллар юзасидан берилган хулосасида, Сайид Қутб исмли тарихий шахснинг озодликдан маҳрум қилинган даврда ёзган “Биродар сен озодсан” номли шеър асосида араб тилида куйланган қўшиқда келтирилган маълумотлар ақидапаратсликни тарғиб қилувчи материаллар туркумига кириши, шу сабабли уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатишга йўл қўйилмаслиги;

-“Ёзишмалар” файлдаги “Asadbek Tursunof” ва “Freedom” номли фойдаланувчилар ўртасидаги ёзишмаларда келтирилган сўзлар диний эътиқодига қараб фуқароларни ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш белгилари мавжудлиги сабабли уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатишга йўл қўйилмаслиги;

-Содиқ Самарқандий ва Абдуллоҳ Бухорийларнинг маърузалари келтирилган маълумотлар, яъни ушбу шахсларнинг фикр, маъруза ва фатволари юритимизда анъанавий бўлган ханафийлик мазҳаби ва мотрудийлик ақидасига зид бўлгани, аҳоли орасида турли ихтилофларнинг юзага келишига сабаб бўлаётгани боис, уларнинг чиқишлари ёзилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланиши;

-Юқорида қайд қилинган материаллар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рухсат этилган диний мазмундаги материаллар туркумига кирмаслиги кўрсатилган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича берилган хулосаларни ишда тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда уларнинг илмий асослилиги ва



белгиланган процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳолаб, исбот қилишда фойдаланиш мумкин бўлган мақбул далил деб ҳисоблайди.

Қонун мазмунига кўра, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига хавф соладиган материалларни тайёрлаш ёки сақлаш, **бундай материалдан ҳеч бўлмаганда биттаси** тайёрланган ёки сақланган вақтдан бошлаб, тарқатилган-тарқатилмаганлигидан қатъий назар, **тугалланган ҳисобланади**. Кўрсатилган материалларни **тарқатиш деганда**, ушбу маълумотларни **ҳеч бўлмаса битта шахсга** оғзаки ёки ёзма шаклда эълон қилиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, **тарқатиш** - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи, ахборотни узатиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари орқали материалларни сотиш, етказиб бериш, тарқатиш, **юбориш ва уларга обуна бўлишдир**.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи А.Т аҳоли орасида турли ихтилофларнинг юзага келишига (*ваҳима чиқаришга қаратилган*) сабаб бўлаётган, **ақидапаратлик ғоялари билан йўғирилган** материалларни интернет бутунжаҳон ахборот тармоғининг “Telegram” мессенжериди очган “Arslan” номли akkaунти орқали тарқатган, яъни таниши М.Мухаммадиев ва опаси М.Турсунованинг телеграмм ижтимоий тармоғида телефон рақамига очилган akkaунтига юборган.

Шу ўринда судлов ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг **2015 йил 22 декабрдаги 5554-сонли** хати билан Абдуллоҳ Бухорийнинг анъанавий ислом учун ёт бўлган ғоя ҳамда тушунчаларини тарқалашида диндорлар орасида ислом дини ақидалари турлича ёндашувларнинг пайдо бўлиб, турли ихтилофларнинг юзага келишида иштирок этганлиги кўрсатилиб, уларнинг чиқишлари ёзилган маълумотларни Ўзбекистон Республикасида тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланганлиги маълум қилинганлигини эътиборга олишни лозим топади.

Суд ҳукмида ифодаланган барча ҳулосалари асосли, ишнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ бўлиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилган, судланувчи А.Тнинг барча важларига баҳо берилган.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланилган.

Апелляция инстанцияси суди, қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб, қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган далилларга ички ишонч бўйича баҳо бериб, судланувчи А.Тнинг айби исботланган ва тасдиқланган деб ҳисоблайди.



Бундай ҳолда, ҳимоячи-адвокат Х.Мирзараҳимов шикоятдаги, судланувчи А.Тга нисбатан чиқарилган ҳукми бекор қилиб, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги вазларни асосли деб бўлмайди.

Биринчи инстанция суди, судланувчи А.Тнинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган, унга нисбатан жазо тайинлашда, қилмишнинг сабаби, ишдаги барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлаш орқали ҳам уни ахлоқан тузатиш ва янги жиноят содир этишини олдини олишга эришиш мумкин деган хулосага келиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддаси қўллаб, айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилганидан ҳам камроқ муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, асосли хулосага келган.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларидаги инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда 42-моддасидаги жазо тайинлаш мақсадларига риоя қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига мувофиқ, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Шу маънода апелляция инстанцияси суди, шикоятда келтирилган вазлар суд ҳукми ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлмайди деб ҳисоблаб, ҳукми ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 482, 493, 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига асосан апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг 2023 йил 14 ноябрдаги [REDACTED] нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Суд қарорларидан норози тарафлар Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят бериши, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

Ф. Қамбарова

Ҳайъат судьялари

М. Очилова

Ш. Бахтиёров

